

2022 йил « 05 » январдаги Зарафшон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси ва

“Zar City Out Source” МЧЖ ўртасида

104 733 600 сўм умумий суммага тузилган 1 - сонли шартномага

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\*

Боб 054  
Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860124087073101054001

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	42 52 300			
Январь	34 476 000			34 476 000
Февраль	34 843 200			34 843 200
Март	35 414 400			35 414 400
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>104 733 600</b>			<b>104 733 600</b>

Жами: 104 733 600 сўм (Бир юз тўрт миллион етти юз ўттиз уч минг олти юз сўм)  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан  
%\*\*\* 20 \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.


(\*) – бюджет ташкилоти, бюджет маблағ олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) – бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) - Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 30 жорий ойнинг 30 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарла (иш, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).




Буюртмачи раҳбари

  
(имзо)

Ў.Э.Одилов  
Ф.И.О.

Буюртмачи  
бош бухгалтери

  
(имзо)

З.Мизомов  
Ф.И.О.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди \_\_\_\_\_  
(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди \_\_\_\_\_  
(имзо)

2022 й. « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

2022 й. « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА № 1**

Зарафшон шаҳри (тумани)

2022 йил « 05 » январь

**Зарафшон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси** номидан Низом асосида фаолият юритувчи  
(муассаса номи)

**Ў.Э.Одилов** (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)  
(Ф.И.Ш.)

бир томондан ва **"ZAR CITY OUT SOURCE" МЧЖ** номидан Устав (ишончнома)  
асосида

(ташкилот номи)

фаолият юритувчи директор **Мухаммадов Шухрат Шавкат ўғли** (кейинги  
ўринларда

(Ф.И.Ш.)

Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу  
Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида  
кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул  
тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у  
тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини **иссиқ овқат билан таъминлаш**

(аутсорсерга ўтказилган хизмат номи)

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган  
санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан  
келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини,  
кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил « 05 » январдан.

2022 йил « 31 » мартгача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан  
амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-  
фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк  
ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб  
ҳисобланади.

### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан  
жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннарининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш

киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган

ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 104 733 600  
(Бир юз тўрт миллион етти юз ўттиз уч минг олти юз)

(сумма сон ва сўз билан)

сўмни ташкил этади.

3.2. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ҳар ой учун 30% олдиндан тўлов амалга оширади.

3.3. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.4. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.5. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.6. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

### IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда,

Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## **V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби**

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

## **VI. Форс-мажор ҳолатлар**

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар энгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

## **VII. Яқунловчи қоидалар**

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил

юримдик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

### VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кейин Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

### VIII. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

«Буюртмачи»

#### ”ZAR CITY OUT SOURCE” МЧЖ

(ижрочининг номи)

Манзили: Зарафшон шаҳар

6-10-48

тел\факс: (90) 234-50-00

х\р: 20208000105367690001

банк номи: “Ипотека банк” АТИБ Зарафшон филиали

МФО 00203 СТИР 308345506

ОКЭД 56290

#### Зарафшон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси

(бюджет маблағларини олувчи номи)

Манзили: Зарафшон шаҳар

5-кичик туман

тел\факс: 97 – 367 – 08 - 20

ШХР: 100022860124087073101054001

бюджет маблағ олувчи СТИРи 200010053

ОКОНХ 91531

Ғазначилик бўлимимаси номи: Зарафшон

шаҳри бўйича Ғазначилик бўлинмаси

Ғазна х/р: 23402000300100001010

Банкнинг ном: Тошкент ш.Марказий б. ХККМ

Банкнинг коди (МФО) 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Раҳбар У.Э.Одилов

(Ф.И.Ш.)

Раҳбар Мухаммадов Ш.Ш.

(Ф.И.Ш.)

(имзо)



ЮРИСТ: \_\_\_\_\_

(имзо)



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**ZY17574705**

1. Loyihaning turi:

05.01.2022 yil. 1-sonli SHARTNOMA.

2. Shartnoma mazmuni:

Zarafshon shaxar Tibbiyot birlashmasi "Buyurtmachi" raxbar O'.Odilov bir tomondan va "ZAR CITY OUT SOURCE" MCHJ "Autsorser" direktor Muxammadov Shuxrat Shavkat ugli o'rtasida tuzilayotgan shartnoma.

(104 733 600 so'm autsorsing xizmati )

3. Shartnoma ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Zarafshon shahar tibbiyot birlashmasi. 31.01.2022 yil.

Shartnoma amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig'i**



**A.G'oyibov**

31.01.2022 yil.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Зарафшон шаҳар Тиббиёт

бирлашмаси бошлиғи

Ў.Э.Одилов

« 05 » январь 2022 йил

Зарафшон шаҳар Тиббиёт бирлашмасининг умумий йиғилиш

Баёни №

2022 йил “ 05 ” январь

Зарафшон шаҳри .

Раислик қилувчи :

Ў.Одилов –ЗШТБ бошлиғи ВВБ .

Иштирок этувчилар :

Б.Тошбоев – ЗШТБ амбулатор поликлиника бўйича бошлиқ ўринбосари.

М.Мавлянова - ЗШТБ бош иктисодчи

Б.Пулатова - ЗШТБ пуллик булим бошлиғи

З.Мизомов - ЗШТБ бош ҳисобчи

Р.Усмонова - ЗШТБ пуллик булим ҳисобчиси

Х.Қўзиева – ЗШТБ бош лобарант врач.

ва бошқа ходимлар.

КУН ТАРТИБИ :

Зарафшон шаҳар Тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларни тайёр иссиқ-овқат билан таъминлаш бўйича аутсорсинг хизматини кўрсатиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Зарафшон шаҳар Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ў.Э.Одилов сўзга чиқиб, кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди. Шундан сўнг бирлашма бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига асосан Республикадаги барча давлат тиббиёт ташкилотларини аутсорсинг хизматига ўтказиш бўйича чоралар белгиланганлигини айтиб ўтди. Бирлашмада даволанаётган беморларни сифатли тайёр иссиқ-овқат билан таъминлаш бўйича аутсорсинг хизмати узлуксизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг Тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси З.Мизомов сўзга чиқиб, ўтган 2021 йилда иссиқ овқат билан таъминлаш бўйича махсус ахборот порталида танлов эълон қилинган бўлиб, унда энг арзон ва мақбул таклиф билан қатнашган "ZAR CITY OUT SOURCE" МЧЖ ғолиб бўлган. Шундан сўнг танлов натижалари асосида мазкур иштирокчи билан 2021 йил 5 майда 1-сонли шартнома ва мазкур шартномага қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисидаги келишувларига асосан жами 759 583 800 сўмга ҳамда 2-сонли жами суммаси 97 350 000 сўмга шартномалар имзоланган. Ҳозирги кунга қадар "ZAR CITY OUT

SOURCE" МЧЖ Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларни тайёр иссиқ-овқат билан таъминлаш бўйича аутсорсинг хизматини кўрсатиб келаётганлигин, шу давргача хизмат кўрсатиш мобайнида узлуксиз ва сифатли овқат билан таъминлаб келаётганлигини айтиб ўтди.

Тиббиёт бирлашма бошлиғи Ў.Э.Одилов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 11-бандига асосан аутсорсер томонидан шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши ва буюртмачининг харажатлар сметасида ажратилган маблағ аутсорсерни қониқтирган тақдирда, томонларнинг келишувига кўра шартнома муддати навбатдаги календарь йил учун узайтирилиши мумкинлиги таъкиблаб ўтганлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг "ZAR CITY OUT SOURCE" МЧЖ ҳозирги кунга қадар шартнома шартларини тўлиқ бажарган ҳолда хизматларни узлуксиз ва сифатли бажариб келаётганлигини, Зарафшон шаҳар Тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморлар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги ва шартнома шартларини тўлиқ қаноатлантирилганлигини инобатга олиб, кейинги 2022 йилда ҳам мазкур аутсорсер билан хизматлар доирасида ҳамкорликни давом эттириш ва икки томон келишувига асосан шартнома тузишни таклиф этди.

Бу таклифга Зарафшон шаҳар Тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган харид комиссия аъзолари ва бошқа ходимлар ҳам ўз розилиklarини билдириб ўтдилар.

Йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда йиғилиш;

### ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Кўпчилиқнинг фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда даволанаётган беморларни иссиқ овқат билан таъминлаш бўйича аутсорсинг хизматини ташкил этиш бўйича "ZAR CITY OUT SOURCE" МЧЖ билан шартнома тузиш учун музокаралар олиб борилсин.
3. Бош ҳисобчи (З.Мизомов)га:  
Тасдиқланган харажатлар сметасидаги маблағлар доирасида "ZAR CITY OUT SOURCE" МЧЖ билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 11-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор иловасининг 27-бандига асосан тўғридан-тўғри шартнома тузилсин ҳамда Зарафшон шаҳри бўйича Ғазначилик

бўлинмасидан қонунчиликка асосан рўйхатдан ўтказган ҳолда тўловлар ўз вақтида амалга оширилсин.

4. Ушбу йиғилиш баёнининг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қатнашдилар :**

ЗШТБ бошлиғи в.в.б.:

Амбулатор поликлиника бўйича бошлиқ ўринбосари:

ЗШТБ бош иктисодчи:

ЗШТБ пуллик булим бошлиғи:

ЗШТБ бош ҳисобчи:

ЗШТБ пуллик булим ҳисобчиси:

ЗШТБ бош лобарант врач:

Ў.Одилов

Б.Тошбоев

М.Мавлянова

Б.Пулатова

З.Мизомов

Р.Усмонова

Х.Қўзиева